

Ўзбекистон Республикаси
Давлат статистика қўмитасининг
2020 йил 27 августдаги 27- сонли қарорига
ИЛОВА

Қурилиш ишлари умумий ҳажмини шакллантириш бўйича
услугий низом

Қурилиш ишлари умумий ҳажмини шакллантириш бўйича услубий низом (кейинги ўринларда-Услугий низом) қурилиш фаолиятининг статистик ҳисобини янада такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, қурилиш ишлари ҳажми тўғрисидаги статистик маълумотларни шакллантириш тартибини белгилаб беради.

Услугий низомни тайёрлашда қурилиш фаолиятини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикаси меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари, Миллий ҳисоблар тизими - 2008 йил таърифлари ва айрим давлатлар тажрибаларидан фойдаланилди.

Ушбу Услугий низом давлат статистика органлари томонидан қурилиш ишлари умумий ҳажмлари бўйича статистик маълумотларни шакллантиришда фойдаланиш учун мўлжалланган.

I. Қурилиш ишлари ҳажмининг статистик ҳисоби

1. **Қурилиш ишлари ҳажмига** юридик ва жисмоний шахслар томонидан қурилиш пудрат шартномалари асосида ва ҳўжалик усулида бажарилган ишлар, шунингдек сотиш учун мўлжалланган объектлар киритилади.

2. Амалдаги статистик кузатув шаклларида 2015 йилнинг 1 январидан бошлаб, "Ўзстандарт" Агентлигининг 2015 йил 19 январдаги 05-612-сонли қарори билан тасдиқланган ва амалга киритилган "Ўзбекистон Республикаси иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулотлар (маҳсулот, иш, ҳизмат) статистик таснифлагичи (МСТ)"га мувофиқ **"Қурилиш" фаолияти бўйича "фаолият тури бўйича ўз кучи билан амалга оширилган ишлар ҳажми"** кўрсаткичи қўлланилади.

Ушбу кўрсаткич молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан турар жой ва нотурар жой бинолари ҳамда муҳандислик иншоотларини янги объектлари қурилиши, капитал ва жорий таъмирлаш, реконструкция, модернизация қилиш бўйича асосий, тўғридан-тўғри ва субпудрат шартномалари асосида бажарилган, МСТнинг 41-43 бўлимлари хос рақамларига мос келувчи қурилиш-монтаж ишлари ҳамда бошқа пудрат ишлари қийматини акс эттиради.

3. Қурилиш ишларининг статистик ҳисоби ҳисобот даврининг амалдаги нархларида, қўшилган қиймат солиғини қўшмаган ҳолда, тўлов муддатидан қатъий назар, ҳисобот даврида ҳақиқатда бажарилган ҳажм бўйича амалга оширилади.

4. Пудрат шартномаси бўйича бажарилган қурилиш ишлари ҳажмини статистик ҳисоботда акс эттириш учун, буюртмачи ва пудратчи томонидан имзоланган - бирламчи ҳисоб шакли (қоидага кўра, “Бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги ҳисоб - фактура маълумотномаси”) асос бўлади.

Хўжалик усулида бажарилган ишлар ҳажми қурилиш эгаси томонидан ҳисобот даврида қурилиш ишларига сарфланган харажатларидан келиб чиқиб аниқланади.

5. Қурилиш ишлари бўйича статистик маълумотлар қуйидаги асосий иш турлари бўйича гуруҳланади ва таърифланади:

а) янги қурилиш, реконструкция, корхонани кенгайтириш, техник ва технологик қайта қурулантириш, модернизациялаш;

б) капитал таъмирлаш;

в) жорий таъмирлаш;

г) бошқа пудрат ишлари.

Янги қурилиш — янги қувватлар яратиш мақсадида янги майдонларда амалга ошириладиган, асосий, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи объектлар (бино ва иншоотлар) комплекслари қурилишидир.

Реконструкция — ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва унинг техник-иқтисодий даражасини ошириш бўйича комплекс лойиҳалар билан боғлиқ мавжуд бино ва иншоотларни кенгайтирмасдан, мавжуд цехлар ва асосий, ёрдамчи ҳамда хизмат кўрсатувчи объектларни қайта қуриш.

Корхонани кенгайтириш — ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш мақсадида янги қўшимча цехлар қуриш ва бошқа бўлинмаларни яратишга мўлжалланган инвестициялар.

Корхонани техник ва технологик қайта қурулантириш — ишлаб чиқариш майдонини кенгайтирмасдан, ишлаб чиқаришдаги эскирган техника ва технологияларни янгисига алмаштиришдан иборат янгилаш шакли.

Модернизациялаш — ишлаб чиқариш маҳсулотларини (ишлар, хизматлар) рақобатбардошлигини оширишга йўналтирилган ишлаб чиқаришнинг технологик янгиланиш жараёни.

Капитал таъмирлаш — бино ва иншоотларнинг алоҳида эскирган конструктив элементлари ва қисмларини алмаштириш ёки асосий конструкцияларни (деворлар, пойдеворлар, қаватлараро тўсиқлар ва б.) бутунлигича ўзгартирмаган ҳолда, уларни мустаҳкамроқ ва тежамкорроқларига алмаштиришдан иборат.

Жорий таъмирлаш — бино қисмларининг бузилган жойларини тузатиш (иш қобилиятини тиклаш), эксплуатация кўрсаткичларини сақлаш ва ташқи ободонлаштириш мақсадида бажариладиган қурилиш таъмирлаш ишларини ўз ичига олади.

Бошқа пудрат ишлари - тоғ ишлари учун майдонни тайёрлаш, қишлоқ хўжалиги ерларини ва дарахтзорларни дренажлаш ишларини ўз ичига олувчи қуриш майдонини тайёрлаш бўйича ишлар, суғориш тизимларини тозалаш, қурилиш-реставрация ишлари, уйларни газлаштириш каби ишларни ўз ичига олади.

II. Қурилиш ишлари ҳажмини ҳисоблашнинг маълумотлар манбалари

6. Қурилиш ишларининг умумий ҳажми қуйидаги маълумотлар асосида шаклланади:

а) расмий секторда – қурилиш фаолиятини амалга оширувчи қурилиш ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар бўйича;

б) норасмий секторда – жисмоний шахслар томонидан пудрат ташкилотларини жалб этмаган ҳолда нотурар-жой ва турар-жой қурилиши ҳамда таъмирланиши бўйича бажарилган қурилиш ишлари бўйича.

7. Қурилиш ишлари ҳажми бўйича статистик маълумотлар қуйидагилар асосида шакллантирилади:

а) қурилиш фаолиятини олиб боровчи юридик шахсларнинг давлат статистика ҳисоботлари (ойлик, йиллик);

б) кичик корхоналар ва микрофирмалар фаолиятининг чораклик танланма кузатув натижалари;

в) жисмоний шахслар томонидан якка тартибдаги уй-жой ва нотурар-жой объектлар қурилиши мониторинги билан шуғулланувчи Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастр давлат қўмитасининг (бундан буён матнда Ергеодезкадастр давлат қўмитаси деб юритилади) вилоят, шаҳар ва туман органларининг давлат статистика ҳисоботлари;

г) фойдаланишга топширилган якка тартибдаги уй-жойларни танлама статистик кузатуви маълумотлари;

д) якка тартибдаги уй-жойларни хўжалик усули билан таъмирлаш ҳажмини статистик баҳолаш.

8. Қурилиш ишлари бўйича асосий статистик маълумотларни шакллантириш схемаси 1-иловада кўрсатилган.

III. Қурилиш ишлари умумий ҳажмини шакллантириш

9. Қурилиш ишларининг умумий ҳажми тўғрисида йилда бир марта аниқ маълумотлар қуйидаги давлат статистика ҳисоботи ва кузатувлари асосида шакллантирилади:

а) 1-qurilish shakli (йиллик) “Қурилиш ишларининг бажарилиши, қурилиш машина ва механизмларининг мавжудлиги тўғрисида ҳисобот” - Ўз кучи билан, хўжалик усулидаги ишларсиз қурилиш ишларини бажарувчи юридик шахслар ва

уларнинг алоҳида бўлинмалари Давлат статистика қўмитаси томонидан белгиланган рўйхат асосида (кичик корхоналар ва микрофирмалардан ташқари) тақдим этадилар;

б) 1-invest (asosiy) shakli (йиллик) “Инвестиция фаолияти, бино ва иншоотларни фойдаланишга топшириш тўғрисида ҳисобот” - барча иқтисодий фаолият турларини амалга оширувчи юридик шахслар, қурилиш хўжалик бошқарув органларини қўшган ҳолда (кичик корхоналар, микрофирмалар, фермер хўжаликлардан, нотижорат ташкилотлардан ташқари) тақдим этадилар;

в) 1-kb shakli (йиллик) “Микрофирма ва кичик корхонанинг ҳисоботи” - барча мулкчилик шаклидаги микрофирма ва кичик корхоналар тақдим этадилар;

г) 1-fx shakli (йиллик) “Фермер хўжалиги фаолияти тўғрисида ҳисобот” - Фермер хўжаликлари тақдим этадилар;

д) 1-notijorat shakli (йиллик) “Нотижорат ташкилотининг фаолияти тўғрисида ҳисобот”- Нотижорат ташкилотлари (жамоат бирлашмалари, ижтимоий фондлар, нодавлат муассасалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари (ХУЖМШ) дан ташқари) тақдим этадилар;

е) 1- qurilish (jismaniy) shakli (йиллик) “Жисмоний шахслар томонидан якка тартибда қурилган турар жойларни ва нотурар биноларни фойдаланишга топшириш тўғрисида ҳисобот”- Ергеодезкадастр давлат қўмитасининг шаҳар, туман органлари тақдим этадилар;

ж) 1-TJ so'rovnomasi (бир марталик) “Фойдаланишга топширилган якка тартибдаги уй-жойни танлама кузатув сўровномаси”- статистика органлари томонидан ўтказиладиган кузатув.

10. Расмий секторда юридик шахслар томонидан бажарилган қурилиш ишларининг умумий ҳажми 1-qurilish, 1-invest (asosiy), 1-kb, 1-fx ва 1-notijorat статистика ҳисоботларининг тегишли сатрларида акс эттирилган қурилиш ишлари тўғрисидаги маълумотлар йиғиндиси сифатида шакллантирилади:

$$V_{yur} = V_{1-qurilish} + V_{1-invest} + V_{1-kb} + V_{1-fx} + V_{1-notijorat}$$

Бу ерда хўжалик усулида бажарилган қурилиш ишлари ҳажми 1-invest (asosiy) ва 1-kb ҳисоботининг асосий капиталга киритилган инвестициялар бўлимида акс эттирилган буюртмачилар томонидан хўжалик усулида бажарилган қурилиш-монтаж ишларига инвестицияларидан ташкил топади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида 1 йилдан ортиқ муддатда қурилиш ишларини бажараётган норезидентлар бўйича ҳажм 1-invest (asosiy) ҳисоботида акс эттирилган буюртмачи-резидентларнинг норезидентлар томонидан бажарилган қурилиш-монтаж ишларига инвестицияларидан ташкил топади.

11. Шакллантирилган ҳажмлар қуйидагича гуруҳларга ажратилади.

Худудлар бўйича – корхона ва ташкилотларнинг давлат рўйхатидан ўтган манзиллари бўйича Ўзбекистон Республикаси маъмурий ҳудудий тузилмаларни (объектларни) белгилаш тизими (МХОБТ) мувофиқ;

Мулкчилик шакллари бўйича - мулкчилик шакллари таснифлагичига (МШТ) мувофиқ;

Вазирлик ва идоралар бўйича - давлат ва хўжалик бошқаруви ва идораларни белгилаш тизими (ДБИБТ) бўйича;

Иқтисодий фаолият турлари бўйича – қурилиш объектини мўлжалланган вазифаси бўйича иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичи (ИФУТ, 2-тахрир) га мувофиқ.

12. 1- қурилиш (jismoniy) статистика ҳисоботи маълумотлари асосида жисмоний шахслар томонидан нотураржой қурилишига харажатлар V_{chs} аниқланади. Шуниндек, мазкур шакл маълумотлари асосида жисмоний шахслар томонидан ишга туширилган якка тартибдаги турар-жойлар умумий майдони аниқланади. Мазкур майдон қийматини (V_{ijs}), аниқлаш учун жисмоний шахслар томонидан ишга туширилган уйларнинг 1 кв.м майдони қийматига кўпайтирилади. Жисмоний шахслар томонидан ишга туширилган турар-жойларнинг 1 кв.м майдони қиймати Давлат статистика қўмитасининг 2016 йил 22 июндаги 7-сон қарори билан тасдиқланган (26.01.2018й. 2-сон қарор билан ўзгартиришлар киритилган) “Якка тартибдаги уй - жой ва ҳовли ҳудуди хўжалик қурилишларига аҳоли харажатларини баҳолаш бўйича услубий низом” асосида амалга оширилади.

$$V_{ijs} = S_j \times P_j$$

Бу ерда

S_j – жисмоний шахслар томонидан ишга туширилган турар-жойларнинг умумий майдони;

P_j – жисмоний шахслар томонидан ишга туширилган 1 кв.м турар-жойнинг қиймати.

13. Жисмоний шахслар томонидан якка тартибда турар-жойларни таъмирлаш ишлари ҳажмини аниқлаш учун дастлаб уй хўжаликларининг қурилиш материалларига харажатлари аниқлаб олинади. Бунда уй хўжаликларининг қурилиш материалларига харажатлари (E) “Кунлик харажатларни ҳисобга олиш кундалиги” маълумотлари асосида 1 уй хўжалигининг таъмирлаш мақсадида қурилиш материалларини сотиб олишга ўртача харажатлари қийматини жами уй хўжаликлари сонига кўпайтириш орқали аниқланади. Таъмирлаш ишлари учун меҳнат ресурсларига харажатларни ҳисоблаш учун дастлаб қурилиш фаолиятини амалга оширувчи кичик тадбиркорлик субъектлари бўйича кунлик ўртача иш ҳақини қуйидаги формула орқали ҳисоблаб олинади:

$$T = \frac{F}{Ch \times n \times 22}$$

бу ерда

T – 1 иш куни қиймати;

F – рўйхатдаги ва рўйхатдан ташқари ходимлар иш ҳақи фонди;

Ch – ўртача иш ҳақи ҳисоблаш учун қабул қилинадиган ходимлар сони;

n – ҳисобот давридаги ойлар сони: 1-чорак учун $n = 3$; ярим йиллик учун $n = 6$; 9 ойлик учун $n = 9$; йиллик учун $n = 12$

22 – 1 ойдаги иш кунлари ўртача сони.

1 иш куни қийматини таъмирлаш учун талаб этиладиган ўртача иш куларига кўпайтириш орқали таъмирлаш ишлари учун меҳнат ресурсларига харажатлар қиймати ҳисобланади.

14. Жисмоний шахслар томонидан якка тартибда турар-жойларни таъмирлаш ишлари ҳажми V_{ind} уй хўжаликларининг қурилиш материалларига ва таъмирлаш ишларига харажатлар йиғиндиси сифатида аниқланади:

$$V_{ind} = E + T$$

15. Жисмоний шахслар томонидан бажарилган қурилиш ишларининг умумий ҳажми юқорида келтириб ўтилган турар-жой ва нотураржой бинолар қурилиши ва якка тартибда турар-жойларни таъмирлаш ишлари ҳажми йиғиндисидан иборат бўлади:

$$V_j = V_{chs} + V_{ijs} + V_{ind}$$

16. Расмий ва норасмий секторда барча турдаги шахслар томонидан бажарилган қурилиш ишларининг умумий ҳажми юқорида ҳисобланган ҳажмлар йиғиндисини ташкил қилади:

$$V = V_{yur} + V_j$$

IV. Чораклик ва ойлик қурилиш ишлари ҳажмини шакллантириш

17. Ҳар чоракнинг биринчи икки ойида, қурилиш ишлари ҳажми тезкор тартибда, йирик корхоналарнинг статистик ҳисобот маълумотлари асосида ва бошқа юридик шахслар (қурилиш фаолиятини амалга оширувчи кичик корхона ва микрофирмалар, нотижорат ташкилотлари) қурилиш ишлари ҳажмини ҳамда уй хўжаликлари фаолиятини (ҳар бир категория бўйича алоҳида) баҳолаш асосида ҳисобланади.

Кичик корхоналар ва микрофирмалар ҳажмини ҳисоблаш шартли намунаси 2-иловада келтирилган.

18. Нотижорат ташкилотлари ва фермер хўжаликларининг **хўжалик усулида бажарилган** қурилиш ишларининг (асосий капиталга инвестициялари таркибига

киради) ойлик ҳажмлари, ўтган йилги аниқлик киритилган (йиллик) маълумотлар асосида қурилиш-монтаж ишларининг умумий ҳажмидаги улушларидан келиб чиқиб баҳоланади.

19. Ҳар ойда якка тартибдаги нотураар жой объектлари қурувчиларининг қурилиш ишлари ҳажми (пудрат ташкилотларини жалб қилмасдан) Ергеодезкадастр давлат қўмитасининг шаҳар ва туманлардаги органлари томонидан тақдим қилинадиган чораклик давлат статистика ҳисоботлари маълумотлари асосида шаклланади.

Бунда, қурилиш ишларининг ойлик ҳажми чораклик ҳажмдан тенг улушларда қабул қилинади.

20. Ҳар чоракда қурилиш ишларининг умумий ҳажми қуйидагилар асосида шакллантирилади:

а) якка тартибдаги қурилатган уй-жойлар ва жисмоний шахслар томонидан қурилатган объектлар мониторингини юритувчи, қурилиш фаолиятини олиб боровчи йирик ташкилотлар бўйича давлат статистика ҳисоботлари;

б) кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг ҳисобот давридаги танланма кузатувларига асосан, сўровномага киритилган ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан иқтисодий вазиятнинг “яхшиланиш” ёки “ёмонлашуви” баҳо кўрсаткичлари асосида ҳисобланадиган тузатиш коэффициентини қўшган ҳолда, уларнинг жами сонига ёйилган маълумотлари асосида шакллантирилади. Ҳисоблашнинг шартли намунаси микрофирмалар (шу каби кичик корхоналар) бўйича 3-иловада келтирилган;

в) хўжалик усули билан қурилиш ишларини бажарувчи нотижорат ташкилотлари ва фермер хўжаликлари бўйича қурилиш ишлари ҳажмини баҳолаш;

г) хўжалик усули билан амалга ошириладиган якка тартибдаги уй-жойларни таъмирлаш ҳажмини баҳолаш.

V. Қурилиш ишлари физик ҳажми индексини ҳисоблаш

21. Қурилиш ташкилотлари фаолиятини таҳлил қилиш ва инфляция жараёнларини ҳисобга олган ҳолда таққослама динамикада қурилиш ишлари ҳажмини ўзгартириш учун нисбий кўрсаткич – қурилиш ишлари **физик ҳажми индекси** қўлланилади.

22. Қурилиш ишлари физик ҳажми индексини ҳисоблаш таққосланаётган даврлардаги қиёсий нархларга келтирилган қурилиш ишлари ҳажмларини солиштириш йўли билан қуйидаги формула орқали амалга оширилади:

$$I_{f.o.} = (V_1 : V_0) : I_{defl} \times 10000$$

бу ерда $I_{f.o.}$ – физик ҳажм индекси, %;

V_1 , V_0 – ҳисобот даври ва ўтган йилнинг тегишли даври учун қурилиш ишларининг жорий нархлардаги ҳажми;

I_{defl} – индекс-дефлятор, %.

Қурилиш ишлари ҳажмининг индекс-дефлятори қурилиш ишлари нархининг ўзгаришини билдиради ва қурилиш харажатлари элементлари бўйича нархлар индексларининг ўртача солиштирилган катталиги ва уларнинг қурилиш ишлари қийматидаги улушларидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади.


23. Ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан физик ҳажм индекси йиғма индекс-дефлятор, яъни юридик ва жисмоний шахсларнинг қурилиш ишлари ҳажмларининг ўртача умумлаштирилган индексини қўллаш орқали ҳисобланади.

24. Қурилиш ишларининг физик ҳажм индексини ҳисоблаш намунаси 4-иловада кўрсатилган.

Маълумот учун фойдаланилган ахборотлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобига рўёбга чиқарилаётган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда шартномавий жорий нархларга ўтиш тўғрисида” 2003 йил 11 июндаги 261-сон қарори.
2. «Система национальных счетов 2008»//Европейская комиссия, Международный валютный фонд, Организация экономического сотрудничества и развития, Организация объединенных наций, Всемирный банк//Нью-Йорк 2012 г.
3. Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари (ШНҚ 4.01.16-09) “Қурилиш баҳосини шартномавий жорий нархда аниқлаш қоидалари”.

Қурилиш ишлари бўйича статистик маълумотларни шакллантириш схемаси



“Қурилиш ишларининг умумий ҳажмини
шакллантириш бўйича услубий низом” га
2-ИЛОВА

**Кичик корхона ва микрофирмаларнинг ўтган йилнинг тегишли чорагидаги
маълумотлари асосида қурилиш ишлари ойлик ҳажмини ҳисоблаш намунаси
(ҳақиқий нархларда)**

Шартли намуна

	2019 йилнинг 1-чораги, минг сўм (тузатиш коэффициентини ҳисобга олган ҳолда жами сонига ёйилган танланма кузатув маълумотлари)	2020 йилнинг 1-чораги, минг сўм			
		январь	февраль	март	январ-март, тузатиш коэффициентини ҳисобга олган ҳолда жами сонига ёйилган танланма кузатув маълумотлари (4- илова)
A	1	2	3	4	5=2+3+4
Микрофирмалар	34479	$12746=(30639/3*124,8)$ /100	$12715=(30639/3*124,5)$ /100	$11791=37252 -$ (12746+12715)	37252
Кичик корхоналар	49003	$18115=(43546/$ $3*124,8)/100$	$18072=(43546/3*124,5)$ /100	$17113=53300 -$ (18115+18072)	53300
I – ўтган йилнинг тегишли ойидаги қурилиш-монтаж ишлари индекс дефлятори, фоизда	x	124,8	124,5	124,64	x

“Қурилиш ишларининг умумий ҳажмини
шакллантириш бўйича услубий низом” га
3-ИЛОВА

**2020 йилнинг январ-март ҳолатига кичик корхона ва микрофирмаларнинг чоракдаги қурилиш ҳажмини
уларнинг турлари бўйича ҳисоблаш учун шартли намуна**

Шартли намуна

минг сўм

	2019 йил учун кичик корхона ва микрофирмаларнинг фаолият турлари бўйича қурилиш ишлари, % (йиллик ҳисоботлар маълумотлари бўйича)	2019 йил учун статистика ҳисоботида махсулотни сотишдан тушган тушуми бўлган кичик корхона ва микрофирмалар тўғрисидаги маълумот (1-KB kuzatuv)			Кузатув йилида янги ташкил этилган кичик корхоналар ва микрофирмаларни нг қурилиш ишлари, жами (2-KB kuzatuv)	Йиллик статистика ҳисоботи маълумотлари бўйича тушуми бўлиган корхоналарнинг қурилиш ишлари, жами (3-KB kuzatuv)	Барча кичик корхоналар ва микрофирмалар бўйича қурилиш ишларининг умумий ҳажми, 2020 йил январ-март ҳолатига
		Жами кичик корхона ва микрофирмалар бўйича қурилиш ишлари	Тузатиш коэф- фициенти, марта	Аникланган қурилиш ишлари ҳажми(тузатиш коэффициентини ҳисобга олган ҳолда)			
A	1	2	3	4 (2x3)	5	6	7 (4+5+6)
Кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг қурилиш ишлари-жами	100	77788	1,16	90234	196	122	90552
шу жумладан фаолият тури бўйича (МСТ)							
Бино ва иншоотларни қуриш бўйича ишлар (хизматлар)(код 41)	69,9	X	X	X	X		63296 =90552*69,9/100
Фуқаролик аҳамиятига эга бўлган объектлар қуриш бўйича ишлар (хизматлар) (код 42)	6,6	X	X	X	X		5976 =90552*6,6/100
Махсус қурилиш ишлари (код 43)	23,5						21280 =90552*23,5/100
Кичик корхона ва микрофирмаларнинг умумий ҳажмидан-янги қурилиш, кенгайтириш, реконструкция ва модернизация	Қурилиш ишларининг умумий ҳажмидаги улуши (йиллик ҳисобот маълумотлари бўйича) – 68,3 %						61847 =90552*68,3/100
шу жумладан фаолияти тури бўйича (МСТ)	100						
Бино ва иншоотлар қурилиши бўйича ишлар (хизматлар)(код 41)	71,2						44035 =61847*71,2/100
Фуқаролик аҳамиятига эга бўлган объектлар қуриш бўйича ишлар (хизматлар) (код 42)	8,9						5504 =61847*8,9/100
Махсус қурилиш ишлари (код 43)	19,9	X	X	X	X		12308 =61847*19,9/100

2020 йилнинг январ-март ҳолатига қурилиш ишларининг физик ҳажми индексини ҳисоблаш жадвали

Шартли намуна

Сатр рақами	Кўрсаткичлар номи	2020 йил ҳисобот даври, жорий нархларда, минг сўм	2019 йилнинг тегишли даврига нисбатан қурилиш ишларининг индекс дефлятори (мартада)	2020 йил ҳисобот даври, 2019 йил нархларида, минг сўм	2019 йилнинг тегишли даври, жорий нархларда, минг сўм	Ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан қурилиш ишларининг физик ҳажми индекси, %
А	Б	1	2	3	4	5
1.	Қурилиш ишлари жами , қатор (2 + 10)	361303	1,106 = (361303 / 326642)	326642	297845	109,7
2.	Расмий сектор , қатор (3+ 4 +6 + 9)	285423	1,110 (285423 / 257138)	257138	238594	107,8
3.	Йирик пудратчи ташкилотлар	158381	1,110	142686	133460	106,9
4.	Хўжалик усулида	29700	1,110	26757	26280	101,8
5.	Кичик бизнес, қатор (6+10)	166432	1,110 (166432 / 149923)	151082	133436	113,2
6.	Кичик корхона ва микрофирмалар, қатор (7+8)	90552	1,110	81578	83482	97,7
7.	Кичик корхоналар	53300	1,110	48018	49003	98,0
8.	Микрофирмалар	37252	1,110	33560	34479	97,3
9.	Фермер хўжаликлари	6790	1,110	6117	4669	131,0
10.	Уй хўжалиги фаолияти , қатор (11+ 12+ 13)	75880	1,092 (75880 / 69504)	69504	59251	117,3
11.	якка тартибда уй-жой қуриш (ЯТУЖҚ)	45528	1,057	43073	39772	108,3
12.	жисмоний шахслар томонидан нотураб биналар қу- риш	27190	1,160	23440	16767	139,8
13.	якка тартибда тураб-жойларни таъмирлаш	3162	1,057	2991	2712	110,3
Юридик шахслар учун индекс дефлятори		1,126				
ЯТУЖҚ бўйича индекс дефлятори		1,057				
Жисмоний шахслар томонидан қурилаётган нотураб жой объектлари бўйича индекс дефлятори		1,160				